



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАД БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИТОЙНИНГ ICBC БАНКИ ТАЖРИБАСИ

*PhD, доц. Тогаев Салим Собирович*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали*

*ORCID: 0000-0002-3170-9181*

*[sts-bank@bk.ru](mailto:sts-bank@bk.ru)*

**Аннотация.** Мақолада тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш ва бошқаришда иқтисодиёти ривожланган давлатлардан Хитойнинг ICBC (Industrial and Commercial Bank of China) банки тажрибаси келтирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари даромад базаси, актив, фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар, фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, активларнинг рентабеллиги, регулятив капиталнинг рентабеллиги, соф фоизли маржа.

## ОПЫТ ICBC БАНКА КИТАЯ ПО ФОРМИРОВАНИЮ ДОХОДНОЙ БАЗЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

*PhD, доц. Тогаев Салим Собирович*

*Самаркандский филиал Ташкентского*

*государственного экономического университета*

**Аннотация.** В статье представлен опыт банка «ICBC» Китая, одной из экономически развитых стран, в формировании и управлении доходной базой коммерческих банков.

**Ключевые слова:** база доходов коммерческих банков, активы, процентные доходы, непроцентные доходы, процентные расходы, непроцентные расходы, рентабельность активов, рентабельность нормативного капитала, чистая процентная маржа.

## ICBC BANK OF CHINA'S EXPERIENCE IN CREATING THE INCOME BASE OF COMMERCIAL BANKS

*PhD, assoc. prof. Togaev Salim Sobirovich*

*Samarkand branch of Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** The article presents the experience of ICBC Bank of China, one of the economically developed countries, in the formation and management of the revenue base of commercial banks.

**Keywords:** base income of commercial banks, assets, percentage income, non-percentage income, percentage expenses, non-percentage expenses, profitability of assets, profitability of normative capital, net percentage margin.

### Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш» тўғрисидаги фармонларида тижорат банкларининг даромад базасини шакллантириш мамлакат банк тизimini ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган (Фармон, 2022; Фармон, 2020).

Тижорат банклари даромад базасини шакллантириш ва бошқаришда ривожланган давлатлар тажрибаси жуда аҳамиятли ҳисобланади. Тижорат банклари даромад базасини шакллантиришда Хитойнинг **ICBC (Industrial and Commercial Bank of China)** банки тажрибаси муваффақиятли модел бўлиб, унинг асосий жиҳатлари диверсификация, рақамлаштириш, халқаро кенгайиш ва мижозларга йўналтирилган ёндашувга асосланган. Хитойнинг ICBC банки нафақат Хитойдаги, балки дунёдаги энг йирик трансмиллий банклардан бири ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Хорижий банк ривожланиши нуқтаи назаридан Хитой катта иқтисодий ўсиш салоҳиятига эга ва ўз бизнесини кенгайтириш учун асосий бозорга эга мамлакатдир (Yichen, Chenavaz, 2016).

Леонов (2015) фикрига кўра, Хитой банклари фаолиятининг афзалликлари сифатида офис тармоғининг йўқлиги сабабли операцион харажатларнинг пастлиги, шунингдек қарз олувчиларнинг кредит ҳатти-ҳаракатларини баҳолаш ва моделлаштириш имконини берувчи катта ҳажмдаги маълумотларнинг мавжудлигини келтириш мумкин.

Вдовин (2023) фикрига кўра, Хитойнинг суверен технологик, тўлов, банк инфратузилмани ривожлантириш йўналиши табиий, самарали ва стратегик жиҳатдан асосланган қадамдир. Бу банкларга зарур молиявий хизматларнинг тўлиқ спектрини тақдим этишнинг барқарор механизмларини топиш имконини беради.

Хитой ҳукумати мамлакатнинг макроиқтисодий ўзгаришларга мос келиш учун ўз банк секторини ҳукумат томонидан бошқариладиган тизимдан қисман бозорга асосланган тақсимлаш механизмлари билан тавсифланган кўпроқ тижоратга асосланган тизимга айлантириш жараёнини бошлади (Michael, 2012).

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2023 йилнинг якунига кўра, ICBC банки активларининг миқдорига кўра, дунё банклари ичида биринчи ўринни эгаллади.<sup>84</sup>

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда ICBC банкининг ялпи даромади ҳажмида нисбатан юқори салмоқни фоизли даромадлар эгаллаган. Бу эса, унинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, ICBC банки активларининг умумий ҳажмида кредитлар ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар юқори салмоқни эгаллайди. Ушбу активлар эса, фоизли даромад келтирадиган активлар ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда фоизли даромадларнинг ICBC банкининг ялпи даромади ҳажмидаги салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда фоизсиз даромадларнинг банк ялпи даромади ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

<sup>84</sup> <https://www.makemoney.ng/ru/biggest-banks-in-the-world>

## 1-жадвал

**ICBC банки (Хитой) даромадларининг таркиби ва динамикаси**  
(Annual Reports, 2018)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2022 йилда 2018 йилга нисбатан, фоизли пункт
	2018	2019	2020	2021	2022	
Фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги улуши, %	85,4	87,9	88,2	88,9	89,6	4,2
Фоизсиз даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги улуши, %	14,6	12,1	11,8	11,1	10,4	- 4,2
Ялпи даромад	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, фоизли даромадларнинг ICBC банкининг ялпи даромади ҳажмидаги салмоғи 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 4,2 фоизли пунктга ошган, фоизсиз даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи эса, 4,2 фоизли пунктга пасайган.

## 2-жадвал


**ICBC банки (Хитой) харажатларининг таркиби ва динамикаси**  
(Annual Reports, 2018)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2022 йилда 2018 йилга нисбатан, фоизли пункт
	2018	2019	2020	2021	2022	
Фоизли харажатларнинг жами харажатлардаги улуши, %	95,7	96,6	96,7	96,7	97,5	1,8
Фоизсиз харажатларнинг жами харажатлардаги улуши, %	4,3	3,4	3,3	3,3	2,5	- 1,8
Харажатлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда ICBC банки харажатларининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни фоизли харажатлар эгаллаган. Бу эса, унинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, фоизли даромад келтирадиган активлар фоизли харажатлар эвазига жалб қилинадиган ресурслар ҳисобидан молиялаштирилади; иккинчидан, фоизли харажатлар эвазига жалб қилинадиган ресурслар ҳажмини ошириш ушбу банкнинг молия бозоридаги репутациясини юқори эканлигидан далолат беради.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ICBC банки харажатларининг умумий ҳажмида фоизли харажатларнинг улуши 2019-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда фоизсиз харажатларнинг ICBC банки харажатларининг умумий ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Тижорат банкларининг даромад базасининг мустаҳкамлигини тавсифловчи кўрсаткичлар сифатида активларнинг рентабеллиги ва регулятив капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичини ICBC банки мисолида таҳлил қиламиз.




**1-расм. ICBC банкида (Хитой) активларнинг рентабеллиги ва регулятив капиталнинг рентабеллиги, фоизда (Annual Reports, 2018)**

1-расм маълумотларидан кўринадики, ICBC банкида активларнинг рентабеллиги 2018-2020 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ошган ва 2022 йилда 2021 йилги даражада бўлган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, ICBC банкида регулятив капиталнинг рентабеллиги 2018-2020 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан ошган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, ICBC банкида активларнинг рентабеллик даражаси ҳам, регулятив капиталнинг рентабеллик даражаси ҳам 2022 йилда 2018 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, ICBC банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


Биз қуйида ICBC банкнинг соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси ва ўзгаришига баҳо берамиз.



**2-расм. ICBC банкида (Хитой) соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси, фоизда (Annual Reports, 2018)**

2-расм маълумотларидан кўринадики, ICBC банкида соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражаси 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Куйидаги расм маълумотлари орқали ICBC банкининг фоизли даромадлари ва фоизли харажатлари ўртасидаги нисбат барқарорлигига баҳо берамиз (3-расм).



**3-расм. ICBC банкида (Хитой) фоизли харажатларнинг фоизли даромадларга нисбати, фоизда (Annual Reports, 2018)**

3-расм маълумотларидан кўринадики, ICBC банкида, 2018-2022 йилларда фоизли даромадлар билан фоизли харажатлар ўртасидаги нисбатнинг барқарорлиги сақланиб қолган. Таҳлил даврида фоизли харажатларнинг фоизли даромадларга нисбати ўртача 65,0 фоиз даражасида бўлган.

### Хулоса ва таклифлар.

Тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг барқарорлигини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли даромаднинг миқдорини камайишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, банк активлари миқдорининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш керак.

Трансмиллий банкларда кредитлаш операциялари ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялар юқори даражада ривожланган. Буннинг устига, мазкур банкларнинг молия бозорларидаги репутацияси ижобий ва юқоридир. Бу эса, уларга фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги нисбатнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

ICBC банкининг даромад базасини шакллантириш тажрибаси куйидаги йўналишларда тижорат банклари учун намуна бўлиши мумкин:

1. Даромад манбаларини диверсификация қилиш.
2. Рақамлаштириш ва инновацияларни жорий қилиш.
3. Халқаро кенгайиш ва янги бозорларга кириш.
4. Мижозларга йўналтирилган ёндашув орқали даромадларни ошириш.
5. Ҳар томонлама хавфларни бошқариш.

ICBCнинг ушбу тажрибасини тижорат банклари ўз шароитлари ва бозор талабларига мослаштириб жорий қилиш орқали барқарор даромад базасини яратишлари мумкин.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

Annual Reports (2018). Consolidated Statement of Profit or Loss. Consolidated Statement of Financial Position. 2018-2022 y. Industrial and Commercial Bank of China банкнинг 2018-2022 йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботлари. <https://www.icbc-ltd.com/en/column/1438058343653851171.html>

Michael F.M. (2012) China's Banking System: Issues for Congress [Электронный ресурс] // Congressional Research Service. P. 19. — URL: [www.crs.gov](http://www.crs.gov)

Yichen Wang, R. Chenavaz. (2016) The Entry Of International Banks In China. Journal of Applied Business Research, [10.19030/jabr.v32i5.9775](https://doi.org/10.19030/jabr.v32i5.9775). [hal-03415038](https://doi.org/10.3415038)

Вдовин Артем Николаевич (2023) Особенности функционирования иностранных кредитных организаций в банковской системе Китая Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва.

Леонов Михаил Витальевич (2015) Регулирование банковской деятельности в Китае // Известия БГУ. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/regulirovanie-bankovskoy-deyatelnosti-v-kitae> (дата обращения: 20.11.2024).

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш» тўғрисидаги Фармони

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони

<https://www.makemoney.ng/ru/biggest-banks-in-the-world>